



ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИНИНГ ЖИНОЙ ЖАЗО ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Азбергенова Мунира Чаржаўвна

ҚДУ талабаси

muniraazbergenova5@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10643104>

ARTICLE INFO

Received: 04th February 2024

Accepted: 09th February 2024

Online: 10th February 2024

KEY WORDS

Озодликни чеклаш, жазо тизими, жиноий жазо, суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, кодекс.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг жиноий жазо тизимида озодликни чеклаш жазосининг киритилиши ва унинг тутган ўрни, айрим чет ел давлатларининг жазо тизимида, хусусан Шотландия давлати мисолида фикр юритилган ва таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш бўйича кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, юртбошимиз таъбири бўйича ушбу ислоҳотлар асосан миллий давлатчилигимиз, тизимини шакллантириш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ислоҳотларни ўз ичига қамраб олди. Республикамизда демократик ислоҳотларни юқори босқичга олиб чиқиш замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, давлатимизда янги сиёсий муҳит вужудга келтириш замирида асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси жазоларни либераллаштириш масалаларига оид ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасидаги ислоҳотлар ҳисобланади.

Демократик жамиятимизда жиноят учун жазо тайинлашнинг энгиллик, кечиримлик, бағрикенглик каби чораларини назарда тутувчи, шахсни қайта тарбияловчи, тарбиялашда эса шахсни оила ва жамиятдан ажратмаган ҳолда янги ҳамда бутун дунё тан олган демократик суд-қонунчилик амалиётини жорий этиш ҳозирги замон талабига айланмоқда. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ҳам «...оғир жазо тайинлаш каби аллақачон умрини ўтаб бўлган тартибларни бекор қилиш вақти етди» деб ўз сўзида таъкидлаб ўтган еди[1].

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги 2015 йил 10 августдаги Қонунида [2] айбдор шахсга жазо белгилашда жазонинг тури ҳамда миқдорини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига мос бўлган ҳолда қўллашдан иборатлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига назарда тутилган жазо тизимида, яъни 43-моддасининг биринчи қисми д¹ бандига “Озодликни чеклаш” тариқасидага жазо киритилди.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 48¹-моддасида озодликни чеклаш тариқасидаги жазонинг тушунчаси кўрсатилган бўлиб, унга кўра озодликни чеклаш – суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат. Озодликни чеклаш жазоси жиноятларнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларга бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Айрим олимлар озодликни чеклаш жазоси ҳақида ўз фикрларини қуйдагича билдиради: хусусан, Г.В. Верина озодликни чеклаш жазоси ўз моҳиятига кўра, кўпроқ бошқа жиноят-ҳуқуқий хусусиятдаги чоралар талабларига жавоб беришини [3] таъкидлайди. Ушбу ёндашувни О.В. Тюшнякова [4] ва А.А. Шульгалар [5] ҳам қўллаб-қувватлайди ва озодликни чеклаш жазосида жинойий жазонинг жазо элементи йўқлигини ва уни бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларига ўтказиш лозимлигини таъкидлайди.

Ушбу фикрларга қарама-қарши бўлган фикрни Е.А. Пермиловская билдириб, унинг фикрича озодликни чеклаш жазосини ўташ жараёнида шахснинг кўплаб конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли даражада чекланади, бу эса озодликни чеклаш учун жинойий жазо мақомини сақлаб қолиш зарурлигини кўрсатади [6].

Бизнинг фикримизча ҳам озодликдан чеклаш жазоси жинойий жазо хусусиятига эга ва ўз навбатида судланганлик ҳолатини ҳам юзага келтиради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 78-моддаси биринчи қисм г-бандига асосан озодликни чеклаш жазоси ўталганидан кейин икки йил ўтгач судланганлик ҳолатининг тугалланишини кўришимиз мумкин.

Эътиборлиси, барча тақиқлар фуқаронинг муайян ҳуқуқларини чеклаётган бўлса да, шахснинг ўзини қайта жиноят содир қилишдан асрашга қаратилганлиги кўришимиз мумкин. Миллий қонунчилигимиз бўлган, Жиноят кодекси 48¹-моддаси иккинчи қисмида ҳам суд қўлланилаётган таъқиқнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча чеклашларни юклаши мумкин: муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; муайян фаолият билан шуғулланмаслик; муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик; транспорт воситасини бошқармаслик; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик; муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик; алоқа воситаларидан, шу жумладан Интернетдан фойдаланмаслик; алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик каби тақиқларни ўрнатиши мумкин. Шу билан бирга, суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки



ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Шунингдек, агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги назарда тутилади. Қонунда маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги, шунингдек жазони ўташдан бўйин товлаш вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмаслиги белгиланган.

Мазкур жазо тури бир қатор мамлакатларнинг, хусусан Россия Федерацияси, Буюк Британия, Франция, Италия, Швеция, Швецария, Испания, Польша каби давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилган бўлиб, моҳияти ва қўлланиш шартлари жиҳатидан ҳар бир давлатда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шунингдек, Шотландия давлатида «Жиноят ва жазо қонунинг» 5-қисми билан жорий этилган «Озодликни чеклаш тўғрисидаги буйруқлар» (RLOs) га асосан жиноятчини белгиланган жойда кунига максимал 12 саотдан кўпи билан 12 ойгача чекланишни ёки белгиланган жойдан ёки жойлардан кўнига 24 саот давомида 12 ойгача озодликдан чеклаш жазоси тайинланиши мумкин. Жазо тайнлашда ҳуқуқбузар 16 ёшдан катта бўлиши, тайнланган жазо турига рози бўлиши керак, шунингдек, суд тегишли жойларни ва у ерда яшовчи шахсларнинг муносабати тўғрисида тегишли маълумотларни аниқлаши керак. Жазонинг ўзига ҳослиги шундаки, ҳуқуқбузарнинг буйруққа риоя қилишни электрон мониторинг ускуналари томонидан назорат қилинади ҳамда ҳуқуқбузарнинг тўпиғига ёки билагига кўзга ташланмайдиган узатувчи (электрон ёрлик) тақиб юриши шарт, бу сигнални ҳуқуқбузар агарда шегара доирасида бўлганда, шеклов жойида жойлашган кузатув бўлими томонидан қабул қилинади. Кузатув блоги телефон линияси орқали ҳуқуқбузарнинг мавжудлиги ёки йоқлиги ҳақидаги маълумотлар дойимий сақланадиган компьютер тизимига уланади. Ҳуқуқбузар ўзига чекланган жойдан чиқиб кетса ёки чеклов қўйилган жойга борса, марказий компьютерга хабар берилади ва чора кўрилади. Электрон мониторинг компанияси ҳуқуқбузарнинг буйруққа риоя қилинишини назорат қилиш учун жабовгардир. Агарда ҳуқуқбузар буйруққа риоя қилмаса, зарур шораларни кўриш, қоидабузарлик ҳолатлари юзасидан судга хабар бериш учун жабовгардир [7].

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга хулоса сифатида айтиш жоизки, миллий қонунчилигимиз жазо тизимга киритилган озодликдан чеклаш жазоси мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳатлар яна бир юқори пағонага чиққанидан дарак беради ҳамда бу жиноий жазо тури билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган шахсларни ўз оиласи ва жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.



References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси Халқ сўзи. – 2020. – 25 янв.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2015. – № 32. – 425-м Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.03.2020 й., 03/20/610/0299-сон; 20.04.2021 й., 03/21/682/0354-сон
3. Верина Г. Ограничение свободы как вид уголовного наказания в свете законодательных новелл// Уголовное право.– 2010. – No 5. – С. 10.
4. Тюшнякова О.В. “Бессистемная” система уголовных наказаний // Юридическая наука и правоохранительная практика. – 2015. – No 4 (34). – С. 82.
5. Шульга А.А. Проблемы законодательной регламентации назначения и исполнения наказания в виде ограничения свободы // Ежемесячный научный журнал. Национальная ассоциация ученых (НАУ). – No 2 (7) / 2015. Часть 6. – С.133.
6. Пермиловская Е. А. К вопросу о месте ограничения свободы в современной системе уголовных наказаний // Вестник института: преступление, наказание, исправление.– 2017. – No 4 (40). – С.49.
7. <https://www.lawscot.org.uk/members/journal/issues/vol-47-issue-03/restriction-of-liberty-orders/#:~:text=Restriction of Liberty Orders%2C which,24 hours per day up>
<https://www.lawscot.org.uk/members/journal/issues/vol-47-issue03/restrictionlibertyorders/#:~:text=Restriction%20of%20Liberty%20Orders%2C%20which,24%20hours%20per%20day%20up>